

БИРИДА ЯХШИ,  
БИРИДА АКСИ

ЭЗГУ ИШЛАР  
БАРДАВОМДИР

ҲОЖАТБАРОР  
"ИШБИЛАРМОН"

ИСРОФНИНГ  
УВОЛИ БОР...

MEZON

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.

Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИА ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

№ 47  
(453)  
2005 йил  
13 декабр  
сешанба

## САХОВАТ ВА ҲИММАТ

халқимизга хос олийжаноб фазилатдир

Бош қомусимиз бўлмиш Конституциямиз моҳият-эътибори билан халқимиз ҳаётини яхшилаш, турмуш фаровонлигини изчил юксалтириб боришнинг барча имкониятларига муносиб шарт-шароит яратиш беради. Айна мақсадлар Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилган экан, демократия байрами нишонланаётган бир пайтда шулар ҳақда фикр юритиш айни муддаодир.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида бугунги мураккаб ва таҳликали даврда Республикаимиз учун миллий давлатчилик бошқарувини ташкил этиш, Конституцияда белгилаб қўйилган юксак мақсадлар—демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини, эркин бозор иқтисодиётини қуриш осон кечмаётганини таъкидлади: "Бугун шуни очик айтишимиз керакки, ҳақиқатан ҳам, мураккаб шароитда, кескин ҳамла ва жуда оғир таътиқларни бошдан кечириб яшаймиз. Ҳаётимиз шундай кечаётган бир паллада эртанги кунимиз ҳақида қайғуришимиз, келажагимизнинг пойдеворини мустаҳкамлаш ҳақида ўйлашимиз керак. Модомики, бу дунёда бегараз ёрдам берадиган давлатнинг ўзи йўқ экан, биров четдан келиб ёрдам беришини кутмаслигимиз лозим.



Баъзи бировларнинг нафақат Ўзбекистонда, балки "бутун дунёда демократияга муҳтож бўлган" давлатларда фуқаролик жамияти институтларини ташкил қилиш, таъминлаш ва уларни ривожлантириш учун бюджетимиздан, давлатимиз ҳисобидан маблағ ажратилиши, деган гап-сўзларини тез-тез эшитаемиз. Эй, барака топқур, бегараз ёрдам бермоқчи бўлсанг, аввало, маҳалла-

ларга бер. Маҳалла кимга қандай ёрдам бериш фуқаролик жамияти институтларини қай тарзда ташкил қилишни яхши билади. Шу нуқтаи назардан қараганда, шундай мураккаб ва таҳликали замонда авваломбор, одамларни рози қилишимиз керак. Уйлайманки, одамлар шу тузумдан, бугунги ҳаётдан, керак бўлса, Президентдан рози бўлса, бундай кучқудратга эга халқни энгиб бўлмайди.

Чиндан ҳам, адолат қарор топган жамият халқнинг қўллаб-қувватловига эришади. Бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Президент Ислом Каримовнинг таъкидлашича, **адалат бу — ҳаётимизнинг энг катта мезони, энг юксак интилишимиз, энг улғу мақсадимиз, орзу-умидимиздир.**

Албатта, беш қўл барабар бўлмаганидек, ҳаётда биров бой-бадавлат бўлса, бошқа биров ўз оиласини қўл учидан тўратадими. Бирок ҳаёт шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш, ёрдамга муҳтож қариндоши, кўнишини, юрдошини назарга илмаслик, каландимонлик билан муносабатда бўлиш бизга ярашмайди. Кумакка эҳтиёжманд одамларга ёрдам қилини чўзиш — ҳиматлилик халқимизнинг энг олийжаноб фазилатидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб номланди. Бизнингча, келгуси йилнинг шундай номланиши замирида халқимизга хос саховатпешалик, ўзаро бегараз ёрдам беришдек фазилатларга эътиборни кучайтирсак, ўзбекининг топармон-туратмон кишилари ўз юрдошларининг зориқиб қолишига йўл қўймас, деган муддао ётибди. Аммо ҳомийлик қилинганда бирор-бир киши сен камбағалсан, ёрдамга муҳтожсан, дея дилини огритишга йўл қўймайсан, бераётган кўмагини кўз-кўз қилиб сохта оёру топишга уринмаслик зарурлигини назардан четда қолдириб бўлмайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, **Ўзбекистонда ҳамма миллатларга ҳам берилмаган гуруҳ, ор-номус кучли. Халқимизга хос ана шу фазилатларни аяшимиз кел-**

ват ҳаракатни кучайтириш, энг муҳими, жамиятда ҳомийликка нисбатан соғлом дунёқарашни шакллантириш мақсад қилиб қўйилаётир. Шу маънода халқимизнинг: "Яхшилик қил, дарёга ташла - балиқ билар, балиқ билмаса, Холк билар", деган ҳикмати н ёдда тутиб иш кўрмоғимиз лозим. Назаримизда, янги йилимизнинг мазмун-моҳияти шундай бўлади.

**Мадамин САФАРОВ,**  
шаҳрловчи

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 24 июнда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳўқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги Фармонида тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти учун қўлай ҳўқуқий тизимни ҳамда шарт-шароитларни шакллантириш, ҳўжалик соҳасидаги ҳўқуқбузарликлар учун белгиланган жазоларни либераллаштириш кўзда тутилган.

Мазкур Фармонда белгиланган талабларга кўра, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган, давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларга тўловларнинг камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳўқуқбузарликлар учун мансабдор шахслар устидан тўланган ҳўжатлар суд идораларига тақдим этилмайди, уларга нисбатан фақат жавобгарлик чоралари қўлланилади. Агар бундай ҳўжатлар мазкур Фармон қабул қилинганга қадар судга топширилган ҳамда тадбиркорлик субъектлари мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун етказилган зарарнинг ўрнини бир ой ичида ўз

расидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳўқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги та-

наётган солиқ идорасининг ўтказган текшириш яқуни бўйича қабул қилинган қарорининг солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ ҳисоблаш ҳақидаги

қисми ижроси тўхтатиб қўйилади; — солиқ тўловчининг солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлардан орқича тўланган суммаларни мавжудлиги солиқ идоралари томонидан тасдиқланган ҳолда, унинг солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлардан боқиманда қарзи учун пеня ҳисобланмайди.

Мазкур Фармонда белгиланган талабларга кўра, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган, давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларга тўловларнинг камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳўқуқбузарликлар учун мансабдор шахслар устидан тўланган ҳўжатлар суд идораларига тақдим этилмайди, уларга нисбатан фақат жавобгарлик чоралари қўлланилади. Агар бундай ҳўжатлар мазкур Фармон қабул қилинганга қадар судга топширилган ҳамда тадбиркорлик субъектлари мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун етказилган зарарнинг ўрнини бир ой ичида ўз

ихтиёри билан қопласа, ҳўқуқий оқибатларни ўз вақтида бартафат этган бўлади. Бундан ташқари ҳисобланган пеня тўланган ҳолларда молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилади.

Ушбу Фармон орқали ислохотларнинг қонунчилик базасини тақомиллаштириш ҳамда маъмурий ислохотларни амалга ошириш бо-

лифлари маъқулланди. Мазкур тақлифларга кўра, Солиқ кодексида қўйилган қоидалар киритилди: — солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича норматив-ҳўқуқий актлардаги барча шундайлар ва номувофиқликлар солиқ тўловчининг фойдасига ҳал этилади; — солиқ тўловчи томонидан судга шикоят қилиниши шикоят қили-

наётган солиқ идорасининг ўтказган текшириш яқуни бўйича қабул қилинган қарорининг солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ ҳисоблаш ҳақидаги

Тадбиркорга қонун мададкор, деймиз. "Мададкор" сўзи бу ўринда ҳўқуқий таъяс, асос, деган маънода қўлланилаётир, яъни тадбиркор қонун ҳимоясида экани уқтирилмоқда. Бироқ тадбиркор фаолиятининг ҳўқуқий ҳимоятдан қафолатланганини тушунадиганлар қатори ҳануз ислохотларнинг тўб моҳиятдан беҳабарлиги оқибатида ишбилармонлар йўлига билиб-билмай тўсиқ бўлаётган кимсалар ҳам учраб турибди.

Бундайлар айрим ҳолларда ўзларининг ноҳўж хатти-ҳаракати билан қонунлардан беҳабарлигини ошқор этиб қўйса, баъзи ҳолларда майда манфаатлар илнжида турли баҳоналарни рўқач қилиб, тадбиркорларга сарсонгарчилик, орқича ташвишлар туғдиради.

Музратоб туманидаги "Сувон-Омонтурди" хўсусий фирмаси туман солиқ инспекциясининг 2004 йил 20 ноябрдаги қарорига кўра, савдодан тушган 63 минг 110 сўм маблағни «НҚМ»дан ўтказмасдан банкка топширгани учун

қисми ижроси тўхтатиб қўйилади; — солиқ тўловчининг солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлардан орқича тўланган суммаларни мавжудлиги солиқ идоралари томонидан тасдиқланган ҳолда, унинг солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлардан боқиманда қарзи учун пеня ҳисобланмайди.

653 минг сўм молиявий жаримага тортилди. Фирма бошлиғи Х.Сувонов ноқонуний жаримага тортилганини исботлаш учун вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Унинг аризаси бўйича ўтказилган текширув натижаларига кўра, молиявий жарима ноқонуний экани ис-

ботланди ва вилоят давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди. Тақдимномага биноан "Сувон-Омонтурди" хўсусий фирмасига нисбатан қўлланилган 653 минг сўмлик молиявий жарима тўғрисидаги Музабатоб туман солиқ инспекциясининг қарори бекор қилин-

ди. Қумқўрғон туманидаги "Абдурахмон" фермер ҳўжалиги ва "Махид ул-Кубро" хўсусий фирмасининг солиқ тўловларидан қарзлари бўлмаса-да, туман солиқ инспекцияси томонидан асоссиз равишда уларнинг бандқаги ҳисоб рақамларига инкасса тўловномалар қўйилган. Солиқчиларнинг бу "иктиро"лари тадбиркорларга анча қимматга тушди. Вилоят адлия бошқармаси ўтказган текширувда тадбиркорларнинг ҳақ экани исботланди, манфаатлари тикланди. Фаройиб "иктиро"нинг муаллифи туман солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи З.Мирзаев вилоят ЭСБнинг буйруғи билан қўллаб турган вазифасидан озод этилди.

Термиз шаҳри тижорат бозори ҳудудидаги тадбиркор Ким Гликерьяга тегишли хўсусий дўкон шахар ҳокимининг бозор ҳудудини ободлаштириш тўғрисидаги қарори ижроси баҳонасида оғоҳлантирилмасиз бузиб ташланди. Ажабланишли томони шундаки, бузиб ташланган дўкон эгасига унинг бинони тиклашга қилган сарф-харажатларини қоплаш ҳеч қимнинг ҳаёлига ҳам келмади. Ахир, дўкон тадбиркорнинг шахсий мулки-ку.

Ким Гликерья ўзига етказилган моддий зарарни қоплаш учун вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди.

Мазкур "Амнистия тўғриси-

## АМЕРИКАНИНГ БАЗА — ҚАМОҚХОНАЛАРИ

улар атрофидаги тортишувлар давом этаётир

Кейинги пайтларда Қўшма Штатлар теваарида бошланган можаролар тийчимаётир. Бир муаммо яқун толмай туриб, бошқас пайдо бўлмоқда. Шу боис, Оқ уйнинг юқори лавозимдаги амалдорлари тез-тез жаҳонни айланиб, ҳар қандай чоралар билан бу жанжалларни бостиришга уринишмоқда. Бу каби можароларнинг охириги Марказий разведка бюросининг (МРБ) дунёнинг турли мамлакатларида маҳфий қамоқхоналари масаласи билан боғлиқ. Хабарларда айтишича, бундай қамоқхоналарда маҳбусларни халқаро ҳўқуқ ва қонунларга зид тарзда азоблаш одат тусига кирган.

Мазкур масаладаги жанжал 2005 йил 2 ноябрда "Вашинтон пост" газетасида "МРБ терроризмда гумон қилинганларни маҳфий қамоқхоналарда сақлаётди" сарлавҳали мақоланинг эълон қилиниши билан бошланди. Мақолада ёзилишича, Қўшма Штатлар кўлга олинган террорчилар ва террорни ташкил этишда гумон қилинаётганларни сақлаб туриш учун бутун дунёда нолегал қамоқхоналар тармоғини ташкил этган. Америкада чиқадиган обрўли нашр МРБ томонидан бундай объектлар ташкил этилганини таъкидлади, шу билан бирга, Европада ҳам, эҳтимом, шундай қамоқхоналар бўлганга ишора қилади. Бу хабардан ташвишланган европалликлар МРБ самолётларининг учуш графигини ўрганишга киришишди ва натижада ноҳож манзара ойдинлашди. Ҳўқуқни ҳимоя қилувчи "Нитал Rights Watch" ташкилоти МРБга тегишли самолётларнинг 2001 йилдан 2004 йилгача бўлган учушларига доир хабарларни таҳлил этиб, Афғонистондаги ҳарбий компания вақтида нисбатан муҳим деб ҳисобланган террорчилар кўлга олиниб, Гуантанамодаги базага эмас, балки Европадаги қамоқхоналарга ҳўжатирилган деган таҳминга келишди. Бу таҳминлар дарҳол британ газетаси "The Times" томонидан тасдиқланди. Газета статистик маълумотларга таяниб, МРБ самолётлари Германияга 437 марта, Буюк Британияга 210 марта, Исландияга—67, Португалияга—34, Италия ва Испанияга 10 мартадан орқик қўнғинини таъкидлади. Ҳўқуқни ҳимоя қилувчи "Халқаро амнистия" ташкилоти МРБнинг самолётлари Европа

орқали қарий 800 та рейсни амалга оширганганини қайд этди. Шундай қилиб, МРБ томонидан терроризмда гумон қилиниб сақланган ва қийноққа солинганларни ташвиш учун ҳудудлари транзит пунктлари сифатида фойдаланилган деб таҳмин этилган давлатлар рўйхатида Болгария, Руминия, Польша, Швеция, Германия, Норвегия, Испания, Италия, Иордания, Миср, Мароқаш ва Афғонистон кирди.

МРБнинг собиқ директори, АҚШ ташқи разведкасини 1977 йилдан 1981 йилгача бошқарган адмирал Ричард Тейнер айтган гап бу жанжални яна авж олдириди. Унинг гапига қараганда, Шарқий Европада МРБнинг маҳфий қамоқхоналари ҳақиқатан ҳам, бор. "Террорчилик фаолиятида гумон қилинганлар Афғонистон ва Покистондан бо яширин марказларга МРБнинг махсус самолётларида келтирилади". 6 декабр кўни "ABC News" Америка телеканали МРБнинг Европадаги маҳфий қамоқхоналари 2005 йил ноябрдаги "ишлаб турди" ва бу ҳақда матбуотда хабар пайдо бўлгач, фаолиятини тугатди, деган ваъдатдаги шов-шувли инфоматсия билан ваъзятини янада кескинлаштирди. Натижада АҚШ давлат қотиби Кондолиза Райс ўзининг 5 декабрда бошланган Европа (Берлин, Бухарест, Киев ва Брюссел) сафари давомида авж олган бу жанжални бироз бўлса-да, босишга асосий эътиборини қаратди. Бироқ Америка ташқи ишлар мухокамаси раҳбари АҚШнинг европалик иттифоқчилари Вашингтон бундан кейин ҳам ўзи қандай зарур деб топса, шундай иш куражанини ошқора уқтириб ўтди.

(Давоми иккинчи бетда)





